

Куёв танлаш



06:05 / 08.11.2018 3489

Нух ибн Иброҳим қизини турмушга бермоқчи бўлиб, мажусий қўшнисидан маслаҳат сўрабди. Қўшниси: “Во ажабо! Ҳамма сендан маслаҳат сўрайди, сен эса мендан маслаҳат сўраяпсанми?!” дебди. Нух: “Менга маслаҳат керак-да”, дебди. Мажусий: “Форс подшоҳи Кисро мол-дунёни танлар эди. Рум подшоҳи Қайсар гўзалликни танлар эди. Араб раислари насл-насабни танлар эди. Сизларнинг йўлбошчингиз Муҳаммад динни танлар эди. Кимга эргашишни ўзинг танла”, дебди.

Бир дона сомон

Ҳаммом ибн Зайд айтади: “Отам билан бирга кетаётган эдик. Бир девордан битта сомон чўпини олдим. Отам менга: “Нега буни (эгасидан сўрамасдан) олдинг?” деди. Мен: “Атиги бир дона чўп-ку?” дедим. Отам: “Ҳамма биттадан чўп олаверса, деворда сомон қоладими?” деди.

“Солиҳлар гулшани” китобидан